O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 11 апрель, № 72 (4482) Жума

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## «Реклама тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 9 январда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрда қабул қилинган **«Реклама тўғрисида»**ги 723–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 14-модда; 2002 йил, № 9, 164-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда) **16-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Реклама тарқатувчилар реклама учун ажратилган эфир вақти, нашр ёки реклама майдони умумий йиллик ҳажмининг 5 фоизидан кам бўлмаган ҳажмда ижтимоий рекламали ахборотни жойлаштириши шарт. Бунда фаолияти Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ҳисобидан тўлиқ ёки қисман молиялаштириладиган реклама тарқатувчилар ижтимоий рекламали ахборотни бепул жойлаштиради».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2008 йил 10 апрель
№ ЎРҚ — 150

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 ноябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2008 йил 27 мартда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда) **44-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар ҳукм қилинган шахс жазо тариқасида тайинланган жаримани мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддатларда тўлашдан бўйин товласа ёхуд қарздорда ундирув қаратилиши мумкин бўлган мол-мулк мавжуд эмаслиги туфайли мажбурий ижро этиш учун белгиланган муддат мобайнида жаримани ундиришнинг имкони бўлмаса, худди шунингдек кечиктириш муддати тугаганидан кейин жарима тўланмаган ёки жаримани бўлиб-бўлиб тўлаш шартлари бузилган тақдирда, суд жариманинг тўланмаган миқдорини ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, қамоқ ёки озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо билан алмаштиради. Бундай ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари ёки хизмат бўйича чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг ҳар бир ойи энг кам ойлик иш ҳақининг ўн олти баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, уч йилдан кўп бўлмаган муддатга, қамоқнинг ҳар бир ойи эса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз баравари миқдоридаги жаримага тенглаштирилиб, олти ойдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2013–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 2, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 11, 23-моддалар, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда; 2006 йил, № 6, 261-модда; 2007 йил, № 4, 166-модда, № 6, 248, 249-моддалар, № 9, 422-модда, № 12, 594, 595, 607-моддалар) **542-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Жарима жазосига ёки ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган шахс жарима жазосини ва ахлоқ тузатиш ишларини жазонинг бошқа тури

(Давоми 2-бетда).

# ШИЖОАТ, МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ

**«Жар» спорт-соғломлаштириш маркази ёшларда ана шундай фазилатларни шакллантириш масканига айланди.**



Кейинги йилларда Тошкент шаҳри ва вилоятларда барпо этилаётган замонавий спорт мажмуалари нафақат жисмоний тарбия билан шуғулланиш, балки нуфузли халқаро мусобақаларни ўтказиш талабларига жавоб беради.

Пойтахтимиз ҳуснига узукдаги кўздек ярашган, бетакрор меъморий қиёфа касб этган "Жар" спорт-соғломлаштириш маркази иш бошлаганига яқинда ўн йил тўлади. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тасарруфидаги мазкур спорт кошонаси 1998 йили фойдаланишга топширилган эди. Бугун ушбу кўркам чиниқиш масканига дунёнинг ўнлаб мамлакатлари спорт ишқибозлари ҳавас қилишади, десак адашмаймиз. Негаки, ўтган йиллар мобайнида "Жар" спорт-соғломлаштириш марказида кўплаб халқаро турнирлар, жаҳон ва Осиё чемпионатлари ўтказилди.

Қолаверса, Ички ишлар вазирлиги тизими ходимларининг жанговар тайёргарлигини ошириш, уларнинг оила аъзоларини ва аҳолининг кенг қатлами ўртасида соғлом турмуш тарзини вужудга келтириш мақсадида бунёд этилган мажмуа бугунги кунда спорт ишқибозларининг севимли масканига айланган.

(Давоми 8-бетда).

# МАРКАЗИЙ ОСИЁНИНГ АФСОНАВИЙ ПОЙТАХТЛАРИ

**Швейцарияда чоп этилувчи "GHI" ("Geneve Home Informations") кундалик газетасида "Марказий Осиёнинг афсонавий пойтахтлари" рукни остида "Ўзбекистон дурдоналари" сарлавҳали мақола эълон қилинди.**

▼ **Дунё нигоҳи**

Мақола қуйидаги сўзлар билан бошланади: "XIII асрда яшаб ўтган италиялик машҳур сайёҳ Марко Поло томонидан жаҳондаги энг гўзал шаҳарлар дея таърифланган Самарқанд, Бухоро ва Хива ҳозирги кунда ҳам дунёнинг турли бурчакларидан бу ерга ташриф буюраётган меҳмонларни ўзига мафтун этиб келмоқда".

"Самарқанд Буюк Ипак йўлида, яъни Осиё ва Европани боғловчи савдо йўллари чорраҳасидаги қулай жойлашуви туфайли асрлар мобайнида гуллаб-яшнади, — деб ёзади "GHI" газетаси. — Қадим замонлардан буён турли зираворлар, хушбўй атир-упалар, қимматбаҳо тошлар, ипак матолар, қаҳрабо ва мовутларни ортиб, бу икки қитъанинг бирида жойлашган ўз манзили томон йўлга чиққан карвонлар Самарқандда тўхтаб ўтган.

Бундан 2750 йил муқаддам асос солинган орзулар ва эртаклар шаҳри — Самарқанд Марказий Осиёнинг энг кўҳна кентларидан биридир. Бу ерда яшаб, ижод қилган шоир, олим, тарихчи ва сайёҳлар мазкур маданият марказини доимо "Шарқ дурдонаси" дея атаб келишган. Шаҳарнинг ажойиб шаклдаги миноралари, муҳташам саройлари ва мўъжизавий гумбазлари "Минг бир кеча" эртак китоби учун ишланган безаклар кўринишида дунёга ном таратди.

Самарқанд ҳашаматли Регистон майдони, улуғвор Гўри Амир мақбараси, Бибихоним жоме масжиди ва бошқа ўнлаб меъморий обидалари ҳамда нафис ипак матолар ва шарқнинг ширин ноз-неъматларига бой бозорлари билан бугунги кунда ҳам хорижий сайёҳларни ўзига мафтун этиб келмоқда".

Бухоро шаҳри тўғрисида ҳикоя қилар экан, "GHI" газетаси қуйидагиларни қайд этади: "Меҳмондўст Бухоро аҳли сизга қадимий ёдгорликлар ва шаҳарнинг гавжум тарихий марказини бажонидил кўрсатишади. Кўҳна услубдаги шаҳар маркази мустаҳкам қалъа билан ўралган бўлиб, унинг атрофида қадимий мадрасалар қад ростлаган. Бухородаги кўплаб нодир ёдгорликлар қаторида машҳур меъморий ансамбллардан алоҳида жойлашган Чор Минор мадрасаси ўзига хослиги билан ажралиб туради. Улар орасида яна бир эътиборга молик кўҳна обида Лабиҳовуз ансамблидир.

Бир замонлар Осиёдаги энг баланд иншоотлардан бири — XII асрда бунёд этилган ва баландлиги 47 метрга тенг бўлган Минораи Калон Марказий Осиёдаги бетакрор меъморий ёдгорликлар сирасига киради".

Мақола якунида муаллифлар Хива шаҳрини ҳам тасвирлар экан, унга гўзал миноралари ва тарихий обидалари билан дунё сайёҳлари эътиборини ўзига жалб этаётган "Осмон остидаги очиқ музей", дея таъриф беришади.

**«Жаҳон» АА.**
Женева

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*



# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги қонунларнинг амал қилиш механизмларини такомиллаштиришнинг долзарб масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Парламент қуйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар, мутахассислар, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар.

Мазкур қўмита раиси А. Мўминов бошқарган анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Х. Дўстмуҳамедов, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг ўринбосари А. Хўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тараққиётнинг муҳим омили бўлган ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, соҳадаги ютуқларни ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида улкан ишлар амалга оширилаётганини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда).

# МАМЛАКАТ бўйлаб



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## Тинчлик ва барқарорликнинг муҳим омили

***Тошкент ислом университетида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси билан ҳамкорликда "Ислом динига нисбатан мутлақо асоссиз хуруж ва бўҳтонларга йўл қўймаслик даркор" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Тошкент ислом университети профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари З. Мунавваров, З. Убайдуллаев, С. Абдуллаев, Тошкент ислом университети проректори А. Абдуллаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг НАТО/Евроатлантика ҳамкорлик кенгашининг Бухарест саммитида сўзлаган нутқида бугунги кунда халқаро ҳамжамият олдида турган энг долзарб муаммолар, хусусан, халқаро хавфсизлик, ядро ва бошқа турдаги оммавий қирғин қуролларини тарқатмаслик, халқаро терроризмга, наркотикларнинг ноқонуний айланишига қарши курашда

(Давоми 2-бетда).

***Уйчи туманининг Ғайрат қишлоғидаги автомат-телефон станцияси модернизация қилингандан сўнг алоқа сифати тубдан яхшиланди.***

## Қишлоқда замонавий алоқа тизими

Ҳудуддаги «Минителеком» фирмаси мутасаддиси Собитхон Ортиқов ташаббуси билан ўрнатилган 400 нуқтали хорижий «Коинот ЭлСГМ» электрон станциянинг ишлаш тезлиги жуда юқори, мижозни ўша заҳоти зарур рақам билан боғлайди. Бундан ташқари, туман марказига уланиш учун аввалгидек боғловчи канал бўшашини кутиб туришга ҳожат қолмади. Негаки, янги технология шарофати билан эндиликда бир пайтнинг ўзида 30 киши алоқага чиқа олади.

Айни пайтда қишлоқдаги ЭАТСга 200 дан ортиқ мижоз уланди. Улар гаплашувдан ташқари қўшимча 8 та хизмат туридан ҳам фойдаланишаяпти.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Избосканда қўшма корхона

***Тўқимачилик саноати корхоналарини энг илғор технологиялар билан қайта жиҳозлаш дастурига кўра, Избоскан туманида «Тагустекстиль» Ўзбекистон — Британия қўшма корхонаси ташкил этилди.***

Натижада икки юз нафар маҳаллий йигит-қиз муқим иш жойига эга бўлди. Энди улар юксак унум билан ишлайдиган замонавий дастгоҳлар ёрдамида йилига 3,1 минг тонна калава ип, минг тонна трикотаж мато ишлаб чиқарадилар.

**Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Дастгоҳларни ёшлар бошқаради

***Ромитандаги Қалайчорбоғ қишлоғида фаолият кўрсатаётган «Имидж-текстиль» масъулияти чекланган жамиятида ишчилар сонини яна ўттиз нафарга кўпайтириш мўлжалланаяпти.***

Бунга корхонада тайёрланаётган маҳсулотга хориждан кўплаб таклифлар тушаётгани сабабдир. Ҳозир бу ерда 70 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари Голландиядан келтирилган замонавий дастгоҳларда бежирим мато ишлаб чиқаришаяпти. Жамият шартномага мувофиқ, биргина Қозоғистон Республикасининг «Cotton Color SOLL» корхонасига жорий йилда 949 минг АҚШ доллари миқдорида маҳсулот жўнатади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Лизингга — техника

***Хоразм вилоятида фермер хўжаликларининг машина-трактор парки йилдан-йилга янги техникалар билан бойиб бормоқда. Бунда уларга кўрсатилаётган лизинг хизмати қўл келаётир.***

Техникаларни янгилашда эса «Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг» компаниясининг вилоят филиали фермерларга мададкор бўлаяпти.

Ўтган саккиз йил ичида ушбу филиал томонидан фермер хўжаликларига 1300 та турли русумдаги янги трактор етказиб берилди. Жорий йил бошидан буён эса 20 та трактор лизинг асосида харид қилинди. Уларнинг умумий қиймати 3 млрд. сўмдан зиёдни ташкил этади.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Харидорлар мамнун

***Термиз шаҳридаги «Шимолий дарвоза» корхонаси оддийгина технология ёрдамида пластмасса томёпқичлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.***

Маҳсулот хом ашёси чиқиндилардан иборат. Фойдаланишга яроқсиз бўлиб қолган пластмасса идишлари, полиэтилен материаллар қайта ишланади ва қолипларга қуйилади.

Бу билан корхонада ўнта янги иш ўрни яратилди. Ишлаб чиқариш ҳажмларини кенгайтириш ҳисобига эса бу йил яна ўнта иш ўрни очиш мўлжалланмоқда.

**Олимжон УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Бир рақам шарҳи

# ЯНГИ МАҲСУЛОТ, ЯНГИ ИШ ЎРНИ







**2008** йилнинг Наврўз байрами арафасида пойтахтимизда ишга туширилган «Сиркежи Тошкент текстиль» қўшма корхонасида йилига **6** минг тонна ип-калава ишлаб чиқарилади.

«Ўзбектекстильмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси негизида ташкил этилган бу янги корхонада 250 нафар киши ишлайди ва 10 миллион долларлик маҳсулот хорижга экспорт қилинади.

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Натижалар эълон қилинди



***Аввал хабар берганимиздек, Жанубий Кореяда парламент сайловлари бўлиб ўтди.***

Куни кеча мамлакат Марказий сайлов комиссияси натижаларни эълон қилди.

"ИТАР-ТАСС" хабарида келтирилишича, парламент сайловларида "Буюк мамлакат" партияси муваффақият қозонган. Партия 299 ўринли Миллий кенгашда 153 ўринни қўлга киритди.

## Самолёт ҳалокати

***Перуда енгил моторли самолёт ҳалокатга учради.***



"Рейтер" ахборот агентлиги хабарига кўра, учоқдаги беш нафар франциялик сайёҳ ҳалок бўлган. Самолёт учувчиси эса оғир аҳволда маҳаллий касалхоналардан бирига ётқизилган.

Полиция вакиллари ҳалокат самолётдаги техник носозлик туфайли келиб чиққан, деган фикрни билдиришмоқда.

## Муҳокама қилиниши кутилаяпти

Жаҳонда озиқ-овқат маҳсулотлари нархи йил сайин ошиб бормоқда.

Жаҳон банки президенти Роберт Зеллик журналистлар билан ўтказган учрашувда бундай ҳолат ҳали узоқ йиллар давом этишини таъкидлади. Нарх-наво қимматлигидан, айниқса, иқтисоди ночор мамлакатлар жиддий зарар кўради.

Президентнинг сўзига кўра, Жаҳон банкининг навбатдаги мажлисида бу муаммодан чиқиш йўллари муҳокама қилиниши кутилаяпти.

## Оролда кучли зилзила



Тинч океанининг жанубий қисмидаги Луайоте оролида кучли ер силкиниши рўй берди.

"Франс-пресс" ахборот агентлиги хабарида келтирилишича, табиий офат Рихтер шкаласи бўйича 7,5 баллга тенг бўлган.

Цунамидан огоҳлантириш маркази ходимларининг билдиришича, ер силкиниши қурбонларни келтириб чиқармаган бўлса-да, табиатга салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

## Автомобиллар тўқнашуви

**Швейцарияда кейинги йиллардаги энг йирик йўл ҳаракати ҳодисаси содир бўлди.**



**Мамлакатнинг Лозанна ва Вевей шаҳарларини туташтирувчи кўчада 64 та енгил русумдаги автомобиль ва бешта юк ташувчи машина тўқнашиб кетди. Воқеа оқибатида бир киши ҳалок бўлган, 18 киши турли даражада тан жароҳати олган.**

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

***Бугун комил ишонч, эзгу орзулар билан дадил қадам ташлаётган ёшлар, шубҳасиз, эртанги кунимизнинг чинакам эгаларидир. Юртбошимиз Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табригида бу фикрни янада аниқ, ёрқин қилиб шундай дедилар: «Биз бугун ҳаётга кириб келаётган навқирон ўғил-қизларимизнинг очиқ чеҳрасига, ақл-заковатига, ҳаракат ва интилишларига боқиб, уларнинг юртимизда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган янги ҳаёт, янги жамият қуришга қодир эканига ишонч ҳосил қиламиз».***



# ИСТИҚБОЛ ЭГАЛАРИ

**М**амлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаёт тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда ёшлар зиммасига катта масъулият юкланади. Шу маънода, Фарғона политехника институтида амалга оширилаётган ишлар кўлами эътирофга молик.

Институтнинг асосий илмий йўналишлари, илмий техника дастурларида талабалар ижодкорлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Талабалар ўзларининг устозлари, профессор-ўқитувчилар билан бирга Фарғона водийсининг кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик ва уй-жой қуриш корхоналари, энергия ва электр таъминоти, агросаноат мажмуасини ривожлантириш, фан, техника ва технология ютуқларини кенг жорий этиш борасида изланишлар олиб боришаяпти. Ўтган йили институт илмий кенгашининг қарорига биноан, «Фарғона политехника институтида талабалар илмий-ижодий фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» махсус Низом ишлаб чиқилди.

Талабалар илмий ижодкорлигини рўёбга чиқаришда шу Низом дастуриламал бўлиб хизмат қилаяпти. Бевосита сўнгги йилларда талабаларнинг илмий-ижодий ишлари кўлами ортганлиги, таълим ва фан интеграцияси янада кучайганлиги, магистратура ва бакалавриат талабалари орасида илмий тадқиқорт ишлари билан шуғулланиш истагида бўлган иқтидорли ёшлар кўпайганлиги, айниқса, улар институтдан кейин ҳам ижодий ишларини давом эттириш учун алоқани узмаганликлари узвийлик билан амалга оширилаётган дастурнинг самарасидир. Шу дастур доирасида водийдаги 40 тага яқин йирик ишлаб чиқариш корхонаси билан ўзаро ҳамкорлик шартномалари тузилди. «Фарғона» ОАЖ, «Фарғонамой» комбинати, «Евроазия ТАПОДиск» қўшма корхонаси, «Фарғона механика заводи», «Фарғона электр тармоқлари» корхоналарида эса, институт билан ҳамкорликда ташкил этилган илмий ишлаб чиқариш марказлари доимий фаолият кўрсатиб турибди.

Институтнинг иқтидорли талабалари ўз илмий ишлари, тадқиқотлари, конструкторлик изланишлари билан Республика ва халқаро танловларда муваффақиятли иштирок этишмоқда. Шунингдек, бу ишларни хорижий ҳамда бошқа илмий тадқиқот лойиҳаларига жалб этиш, турли грантларда қатнашиш, семинарлар, конференциялар, симпозиумларда иштирок этиш, илмий ишларини нуфузли нашрларда чоп этиш талабаларнинг ижодий йўналишлари асосини ташкил этаяпти.

**2008 йил — Ёшлар йили**

Институт талабалари орасидан 200 дан зиёд иқтидор эгалари танлаб олиниб, алоҳида дастур бўйича ўқитилаяпти. Улар учун тил ўрганиш, ахборот-ресурс, ахборот технологиялари марказлари ташкил этилган. 11 та махсус компьютерлаштирилган хоналар туну кун уларнинг хизматида. Шу иқтидор эгалари орасидан саралаб олинган жамоа дастурлаш бўйича жаҳон чемпионатининг «Middle Asia» минтақавий ўйинлари чорак финал ва ярим финал мусобақаларида фаол қатнашиб, олий таълим муассасалари орасида биринчи ўринни эгаллашди.

Дунёдаги кўплаб институт ва университетлар талабалари «Талабалар эркин тадбиркорликда» умумжаҳон ҳаракатида қатнашишни шараф деб билишади. Институт талабалари шу ҳаракатда қатнашиш учун бизнес, таълим ва ижтимоий йўналишларда 15 та лойиҳа ишлаб чиқдилар ва ҳаракат танловига тақдим этишди. Германиянинг Майнц шаҳрида ўтказилган жаҳон биринчилигида иштирок этиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллашди. Бу ютуқ уларни янги марралар сари руҳлантириб юборди. Айни пайтда ҳаракатнинг янги тадбирларида қатнашиш учун лойиҳалар устида иш олиб боришаяпти.

Республикамиз ёшлари орасида тобора оммалашиб бораётган «Келажак овози» кўрик-танловида иштирок этиш истагида бўлган талабалар сони йилдан-йилга ортиб бораяпти. Ўтган йили танловнинг вилоят босқичида улардан 26 нафари қатнашиб, 3 нафари республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилишди. «Меҳр нури» жамғармаси кўрик-танловининг мамлакат босқичида қатнашган 11 нафар талабадан 5 нафари шоҳсупанинг юқори қисмига кўтарилишди. Бугун улар шу нуфузли танловнинг стипендиатлари ҳисобланишади.

Институтда иқтидорли талабаларнинг илмий-ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш мақсадида талабаларнинг илмий техник анжуманини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу анжуман ёш иқтидор эгаларига тадқиқот ишларини олиб боришга ўргатиш, истеъдод ва қобилиятларини намоён қилиш, ўзларини қизиқтираётган долзарб илмий-тадқиқот мавзуларини танлаб олиш, ўзаро фикр алмашишда муҳим роль ўйнаяпти. Биргина ўтган йили ўтказилган анжуманда 27 та гуруҳ фаолият кўрсатди. Уларда 651 та турли хил мавзулар, илмий ишлар, янгиликлар, тадқиқотлар юзасидан баҳслар бўлди, ўзаро фикр алмашилди. Бу анжуманда муҳокама қилинган илмий ишларга институтнинг 250 нафар профессор-ўқитувчиси раҳбарлик қилишди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарорида болаларнинг ижодий қобилиятларини аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланган. Шу талабдан келиб чиққан ҳолда институт вилоятнинг Сўх туманидаги бир қатор мактабларни оталиққа олди. Тумандаги ёшлар билан институт профессор-ўқитувчилари, талабаларининг доимий учрашувларини ўтказиб туриш яхши анъанага айланиб қолди. 5 та мактабга оталиқ ёрдами сифатида замонавий компьютерлар тақдим этилди. Бу мактабларнинг ўқувчиларига байрамларда спорт анжомлари туҳфа қилинди. Мактаблар ахборот-ресурс марказларининг китоб фондини кўпайтиришда ёрдам кўрсатилди. Ҳар йили бу мактабларнинг энг иқтидорли ўқувчилари ёзги таътилларини институт оромгоҳида ўтказишади.

Марғилонликлар бугун шаҳардаги 33 та мактабни фахр билан институтнинг кичик филиаллари деб аташади. Бу мактабларни институтдаги 5 та факультет ва кафедралар оталиққа олишган. Улар мактабларда спорт мусобақаларини ўтказиш, турли хил интеллектуал тадбирлар ташкил этиш, фан олимпиадаларига тайёрлашда ҳам бахоли қудрат ёрдам беришаяпти.

Дарҳақиқат, умид билан экилган кўчат ўз-ўзидан мевали, манзарали дарахт бўлиб ўсмайди. Уни авайлаб-асраб парвариш қилиш, меҳр билан ардоқлаш лозим. Бугунги ёш авлод эртанги порлоқ кунимизнинг давом эттирувчилари, чинакам бунёдкорлари бўлиши учун эса уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кундалик доимий ишга айланиши лозим. Фарғона политехника институти жамоаси ана шу ҳақиқатни англаган ҳолда изланишлар самарасини ҳаётга татбиқ этаётирлар. Албатта, бундай янгиланишлар эътиборга моликдир.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## «TTZ-METALL» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

корхонада ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик техникалари ва металлопрокатни таклиф этади.

**Тошкент шаҳрида жойлашган «TTZ-Metall» қўшма корхонаси турли қишлоқ хўжалик юкларини ташиш учун мўлжалланган тўр (сеткали) ва текис ўрнатма бортли трактор, самосвал тиркамалари, бир ўқли ярим тиркамалар ишлаб чиқаради. Шунингдек, қўшма тиркамалар учун ўрнатма бортлар, осма қуроллар — бортлар («БЗТХ ООО СБ»), плуг («ПН-2-30», икки корпусли), («ПН-3.35.000», уч корпусли) тайёрлайди. Арзон нархларда тиркамаларни таъмирлайди ва техник ёрдам кўрсатади.**



**«ТТЗ-80-10» негизида «ЭО-2621 В-3» экскаваторлар (айланма синхрон куракли ва бульдозер ағдаргичли (ағдариш кенглиги — 2000 мм.) унча катта бўлмаган, кинематик кавлаш чуқурлиги — 4,15 метр).**
**Сотилиш нархи — 42 800 000 сўм.**



**Қишлоқ хўжалик объектларида юклаш-тушириш, монтаж ва транспорт ишларини бажариш учун мўлжалланган «ТТЗ-80-10» тракторлари шассиси негизида ўқли, гидравлик, осма «ОПТ 9195» махсус монтажли кўтаргичлар.**
**Сотилиш нархи — 41 600 000 сўм.**

**«TTZ-Metall» ҚК буюртмачи эскизи бўйича металл панжара ва ностандарт ускуналарни тайёрлаб беришни таклиф қилади.**

| Материал номи | Баҳоси (минг сўм) |
|---|---|
| Лист 0,5x600x2000 65г | 2600 |
| Лист 1,0x1000x2000 65г | 2350 |
| Лист 1,5x6000x2000 65г | 2350 |
| Двутавр 550x220 | 1400 |

Нархлар келишилган, иш ҳажмига қараб ўзгартирилиши мумкин.

Тошкент ш., «Буюк Ипак йўли» к., 434. Тел./факс: 261-38-30, 261-33-41.
E-mail: ttz-metall@rambler.ru



## ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИНИНГ «УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ» МЧЖ

**2008 йил 29 апрель куни соат 11.00 да Ўзбекистон Банклари ассоциацияси биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига Тошкент шаҳар Яккасарой тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 2007 йил 25 декабрдаги ЖСК 1-1184/2007-сонли ижро ҳужжатига асосан тақдим этилган, Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов туманида жойлашган «Себзор» автотранспорт воситалари жарима майдончасида сақланаётган, давлат рақами 30С1973 бўлган, 1997 йилда ишлаб чиқарилган «DAEWOO LEGANZA» русумли автотранспорт воситаси қайтадан қўйилади.**
**Бошланғич баҳоси — 16 792 000 сўм.**

Ушбу мулкни суд ижрочилари иштирокида бевосита жойига чиқиб кўриш мумкин. Савдода қатнашиш учун харидорлар тўлов ҳужжатида мулк номи, ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пулини Ўзбекистон Банклари ассоциациясининг «Универсал биржа маркази» МЧЖнинг «Асака» банки «Автотранспорт» филиалининг «Альянс» минибанкидаги МФО 00417, СТИР 204325773, 20208000804234776001 ҳисоб рақамига тўлашлари ва савдодаги мулкни сотиб олиш учун ариза топширишлари шарт. Савдода иштирок этиш учун топшириладиган ариза ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, А. Хўжаев к., 1-уй. Тел.: 138-69-94, 138-69-93.

*Лицензия DB001 № 000010.*



## МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

### ФУҚАРОЛАРНИ ЧЕТ ЭЛЛАРДА ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ ТОШКЕНТ МИНТАҚАВИЙ БЮРОСИ

**Жорий йилнинг 11 апрель кунидан бошлаб 21 апрель кунига қадар Россия Федерациясида шартнома асосида ишлаш истагида бўлган оддий ишчи, юк ташувчи ва электргазпайвандчи мутахассислигига эга бўлган фуқаролар Тошкент минтақавий бюросига мурожаат этишлари мумкин!**

Электргазпайвандчи мутахассислигига қўйиладиган талаблар:

- ёши — 20 - 50 гача;
- кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси 3 йилдан кам бўлмаганлар;
- рус тилини билишлари шарт.

*Ойлик маош: энг кам иш ҳақи — 11 000-20 000 рубль.*

Қадоқловчи, фаррош, юк ташувчи ва бошқа мутахассисларга қўйиладиган талаблар:

- ёши — 20 - 48 гача;
- кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси шарт эмас;
- рус тилини билишлари шарт.

*Ойлик маош: энг кам иш ҳақи — 6720 рубль.*

Оддий ишчи, ғишт терувчи, пайвандчи ва монолитчик мутахассисларга қўйиладиган талаблар:

- ёши — 25 дан 35 гача;
- кўрсатилган мутахассислик бўйича иш малакаси шарт эмас;
- рус тилини билишлари шарт.

*Ойлик маош: энг кам иш ҳақи — 10 000-15 000 рубль.*

Тикувчи, бичувчиларга қўйиладиган талаблар:

- *иш малакаси 1 йилдан кам бўлмаган, 4, 5, 6-тоифали мутахассислар;*
- *эркак ва аёллар кўйлакларини тикувчилар;*
- *бичиш-тикиш ускунаси билан ишлаш малакаси бўлган мутахассислар.*

*Ойлик маош: энг кам иш ҳақи — 10 000-12 000 рубль.*

Темир кесувчи ускуналар билан ишловчи чилангар ва фрейзерчи мутахассислигига қўйиладиган талаблар:

- *4 ва 5-тоифали мутахассислар.*

*Ойлик маош: энг кам иш ҳақи — 15 000 рубль.*

Пармаловчи (токарь-расточник), ЧПУ ускунаси бошқарувчиси ва механизмларни йиғув иши бўйича чилангар мутахассислигига қўйиладиган талаблар:

- *иш малакасини тасдиқловчи ҳужжат, 4, 6-тоифали мутахассислар*

*Ойлик маош: энг кам иш ҳақи — 15 000-20 000 рубль.*

Қуйидаги ҳужжатлар йиғма жилдда тақдим этилиши лозим:

- *паспорт (асли) ва нусхаси — 5 дона;*
- *ҳарбий гувоҳнома (асли) ва нусхаси — 2 дона;*
- *сўралган мутахассислик ва соҳа бўйича билимини тасдиқловчи ҳужжат: диплом ёки сертификат (асли) ва нусхаси — 2 дона;*
- *меҳнат дафтарчаси (асли) ва барча бетлари нусхаси — 2 дона;*
- *3x4 ҳажмдаги фотосурат — 6 дона (конвертда).*

*(Меҳнат дафтарчаси ва диплом ўзбек тилидан рус тилига таржима қилинган бўлиши лозим)*

**Ҳужжат ва аризалар қуйидаги манзилларда қабул қилинади:**
**Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, «Қоратош» кўчаси, 44-уй, 1-қават, 9-хона.**
**Мўлжал: Хадра майдони, SAMSUNG, Мебеллар дўкони орқасида.**
**Маълумот учун телефонлар: (998 71) 234-44-13, 227-08-78.**


***Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар инсон учун, энг муҳими, унинг соғлом яшашига қаратилган. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг 1998 йилдаги Фармони билан Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг 1999 — 2005 йилларга мўлжалланган Давлат дастури қабул қилиниши соҳада ўтказилаётган ислоҳотларда бурилиш ясади.***

**Саломатлик**

# ХАЙРЛИ ИШЛАР САМАРАСИ



**Маҳмуджон МАМАРАИМОВ олган сурат.**

**Д**астурда қишлоқ жойларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланган. Чунки илгари қишлоқларда ҳаминқадар бир кўринишдаги хароба тиббий амбулаторияларга ўрта тиббиёт ходимлари бириктилган бўлиб, хизмат кўрсатиш даражаси ҳам жуда паст эди. Энди эса истиқлол шарофати, мамлакатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан қишлоқларда замонавий кўринишдаги врачлик пунктлари қад ростлади.

Музработ тумани Сурхондарё вилоятининг чўл ҳудудида жойлашган. Мустақиллик йилларида «Навбаҳор», «Шоликор», «Янгиобод-Кофрун», «Янги авлод», «Абдулла Қодирий», «Раҳим Бўриев», «Собир Сатторов» қишлоқ марказларида янги қишлоқ врачлик пунктлари қурилиши баробарида 7 та ана шундай шифо маскани қайтадан бунёд этилди. Бу эса авваллари оддий бир касаллик сабаб узоқ йўл юриб туман ёки вилоят марказидаги шифохоналарга мурожаат қиладиган қишлоқ аҳолиси учун анча қулайликлар яратди. Эндиликда ҚВПдаги амалиёт врачлари барча турдаги касалликлар билан оғриган беморларга юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш борасидаги ишлар узлуксиз давом этмоқда. Масалан, «Саломатлик — 2» лойиҳаси доирасида вилоятдаги мавжуд 189 та, шу жумладан, Музработ туманидаги 14 та қишлоқ врачлик пункти 142 миллион 600 минг сўмлик жиҳозлар ҳамда 575 минг АҚШ доллари ҳажмидаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан мустаҳкамланмоқда.

Туманда оилаларда тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлиғини яхшилаш, соғлом авлодни дунёга келтириш ва тарбиялаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

— Аёлларни мунтазам кўрикдан ўтказиш биринчи галдаги вазифамиз, — дейди туман тиббий бирлашмаси раҳбари А. Ғаниев. — Ўтган йили тиббий назоратдан ўтказилган 28230 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг 83,5 фоизида турли жисмоний касалликлар борлиги аниқланди. Уларнинг 12694 нафари амбулатория шароитида даволанган бўлса, 2492 нафари марказий шифохонага ётқизилиб, стационар шароитларда саломатликларини тиклашга эришди. Шунингдек, бу борадаги ишларни янада яхшилаш мақсадида «Халқобод», «Абдулла Набиев» қишлоқ фуқаролар йиғинлари ва Агросервис касб-ҳунар коллежида «Аёллар ва болалар соғлиғини мустаҳкамлаш» мавзуида ўқув-семинар ташкил этдик.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан соғлиқни сақлаш тизимида ташкил этилган шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг энг қулай хизматидан музработлик чўлқуварлар ҳам тўла баҳраманд бўлмоқда. Мазкур шифо масканининг туман бўлими замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган бўлиб, беморларга бепул шошилинч тиббий ёрдам кўрсатмоқда. 2007 йилда бўлим шифокорларининг ўн нафари Республика илмий марказларида билим ва малакаларини ошириб қайтдилар.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш Давлат дастурида соҳани молиялаштириш масаласи асосий вазифалардан бири этиб белгиланганини боис тиббиётдаги ишларни тубдан яхшилаш мақсадида ажратилаётган бюджет маблағлари ҳам тобора кўпайтириб борилмоқда. Агар вилоят миқёсида 2004 йилда 16,7 миллиард сўм маблағ ажратилган бўлса, ўтган йили аҳоли саломатлиги ва соҳа равнақи учун йўналтирилган пул 42 миллиард сўмни ташкил этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, вилоятдаги даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, тизимда таъмирлаш ишларини амалга ошириш мақсадида бюджет ва ҳомий ташкилотлар ҳисобидан 2004 йилда 611 миллион, 2005 йилда 571 миллион, 2006 йилда эса 2 миллиард 573 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Ўтган йили ана шу мақсадлар учун бюджетдан ажратилган пул миқдори янада салмоқли бўлиб, ҳомийлар томонидан тушган маблағ 500 миллион сўмни ташкил этди.

Соғлиқни сақлаш муассасаларида бюджетдан ажратилган маблағнинг 5 фоизи миқдорида моддий рағбатлантириш жамғармалари ташкил этилган. Президентимизнинг 2005 йил 1 декабрдаги «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори асосида иш ҳақини белгилашда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг ҳажми, мураккаблик даражаси, энг муҳими, сифати алоҳида эътиборга олинади. Агар ўтган йили тиббиёт тизимидаги шифокорларнинг 36 фоизи жамғарма ҳисобидан рағбатлантирилган бўлса, сўнгги икки йил ичида тиббиёт ходимларининг иш ҳақи 2,5 баробарга, ўрта тиббиёт ходимларининг иш ҳақи эса 1,24 баробарга ортди.

Мамлакатимиз равнақи эртанги кун ворисларининг баркамоллиги, соғлиғи билан боғлиқ, албатта. Музработлик 1116 нафар тиббиёт ходими ана шундай эзгулик йўлида хизмат қилмоқда. Зеро, орзулар ҳақиқатга айланган истиқлол йилларида бу каби хайрли ишларга бел боғламоқ улуғ фазилатдир.

**Абди ҚОДИРОВ.**


## "INTEGRAL ASIA"

17" мониторли
**P4 компьютерлари**



Тошкентдаги омбордан
675 000 сўмдан бошлаб

**Пул ўтказиш йўли билан сотилади ва кредитлар.**

Тошкент ш., «Фарғона йўли» к., 13/12,
тел.: 233-10-46, 120-30-27, 120-30-28,
факс 120-30-26.

Товар сертификатланган
e-mail: sale@onlineuz.net,
www.integr-asia.com



## 2007 йилда «Пахтабанк» жаҳонга машҳур «The Banker» журнали ўтказган танлов натижасига кўра, «Ўзбекистонда энг яхши банк» деб эътироф этилди ва “Йил банки — 2007” сертификатига сазовор бўлди.

The Banker
Bank of the Year 2007
UZBEKISTAN

## «Пахтабанк»:
# «БАРҚАРОР» РЕЙТИНГИ — ФАОЛИЯТГА МУНОСИБ БАҲО

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида мамлакатимизда банк-молия тизимини жаҳон андозалари талаблари даражасида такомиллаштириб боришга жиддий эътибор берилаётгани ўз самарасини бермоқда.

Буни республиканинг энг йирик акциядорлик-тижорат банкларидан бири бўлган «Пахтабанк» фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш ва уларнинг иқтисодиётни модернизация қилиш ва инвестициявий жараёнларида иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари талабларини ижро эта бориб, бу банк ўтган даврда ўзининг таркибий-ташкилий тузилмасини такомиллаштирди, иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлади. Бугунги кунда унинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда 12 та минтақавий бошқармаси, бошқармалар таркибига кирувчи 186 та филиали, 703 та минибанки, 134 та махсус кассаси турли соҳаларда фаолият юритаётган барча мулк шаклидаги 201 мингдан зиёд юридик ва 277 мингдан кўпроқ жисмоний шахслардан иборат мижозга кенг доирада хизмат кўрсатаётгани шундан далолат беради.

Айниқса, «Пахтабанк»нинг 2007 йилдаги фаолияти якунлари ҳақида сўз юритганда, унинг обрўси ва нуфузи халқаро миқёсда ҳам кескин ошганлигини алоҳида қайд этиш жоиз. Чунончи, у мамлакатимизнинг тижорат банклари орасида биринчи бўлиб Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг «Барқарор» тоифасидаги тўлиқ рейтингини олишга муваффақ бўлди. Шу билан бирга, жаҳонга машҳур «The Banker» журнали ҳар йили ўтказадиган анъанавий танловда ғолиб чиқиб, Ўзбекистоннинг энг яхши банки сифатида эътироф этилди ва «Йил банки – 2007» сертификатини қўлга киритди.

Эришилган бу ютуқлар замирида, албатта, банк раҳбарияти, малакали мутахассислари — бутун жамоа аъзоларининг самарали меҳнати мужассам. Улар асосий эътиборни банкнинг ташкилий тузилмаси ва стратегиясини жаҳон андозалари даражасига кўтариш орқали молиявий барқарорликни таъминлаш, аҳоли ҳамда кенг жамоатчиликнинг молиявий муассасага бўлган юксак ишончини янада оширишга қаратмоқдалар.

Ўтган йили банк иқтисодиёт тармоқларига 795,4 миллиард сўмлик кредит ажратди. Бу 2006 йилдагига нисбатан қарийб 29,5 фоиз кўпдир. Жами кредит маблағларининг 463,7 миллиард сўми ёки 58,3 фоизи қишлоқ хўжалик корхоналари, 117,7 миллиард сўми эса моддий-техник таъминот соҳаларига йўналтирилди.

Дарҳақиқат, Президентимиз ва ҳукуматимизнинг қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилишни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга қаратилган бир қатор фармон ва қарорлари ижросига амалий ҳисса қўшиш, пахта ва ғалла етиштириш харажатларини молиялаштириш, тизимда иш юритаётган қишлоқ хўжалик корхоналарини узоқ муддатли кредитлар бериш орқали қўллаб-қувватлаш «Пахтабанк»нинг 2007 йилги фаолиятида асосий устувор йўналиш бўлди.

### Фермерларнинг кўнгиллари тўқ

Маълумки, мамлакат қишлоқ хўжалигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида ширкат хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ўрнида юридик мақомга эга бўлган фермер хўжаликлари тузилди. Шу тариқа ер ўз эгасини топди, фермерлар эса замонавий қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида асосий, ҳал қилувчи кучга айландилар.

Ана шу ўзгариш ва янгиланиш жараёнининг муваффақиятли кечишида соҳанинг асосий молиявий таянчи — «Пахтабанк»нинг хизмати беқиёс бўлди. Бугунги кунда банкнинг жойлардаги бўлинмалари хизматидан фойдаланаётган фермер хўжаликлари 86 мингдан ошгани, уларнинг ярмидан кўпи пахтачилик ва ғаллачилик, қарийб 17 мингтаси сабзавотчилик ва боғдорчилик билан шуғулланаётгани бунинг исботидир.

Шу ўринда бир жиҳатни алоҳида таъкидлаб ўтишга тўғри келади. Банк асосий имтиёзли кредитларни пахта ва ғалла етиштириш мақсадларига йўналтиришга эътибор қаратмоқда. Хусусан, биргина ўтган йилнинг ўзида Молия вазирлиги қошидаги махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан пахта етиштириш учун 330,3 миллиард сўм, ғалла учун эса 58,3 миллиард сўм имтиёзли кредит ажратилди. Банк бу билан кифояланиб қолмай, кредитларнинг фақат белгиланган мақсадлар учун ишлатилиши устидан қатъий мониторинг олиб бораяпти. Натижада бу маблағлар кутилган самарани бериш билан бирга, пировардида тўла қайтарилмоқда.

Шунингдек, қишлоқ хўжалик корхоналарига кундалик ишлаб чиқариш фаолиятлари билан боғлиқ мақсадлар учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли кредитлар ҳам ажратмоқда., Яъни, уларни қишлоқ хўжалик техникалари ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашда молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда. Масалан, ҳисобот йилида қишлоқ хўжалик корхоналарига қарийб 66 миллиард сўмлик кредит берилди. Бу 2006 йилдаги кўрсаткичдан уч баравардан зиёд кўпдир. Унинг 12,5 миллиард сўми 108 та дон комбайни, 10,7 миллиард сўми 459 та ҳайдов трактори, 16,8 млрд. сўми 897 та чопиқ трактори, 7,5 млрд. сўми бошқа техника, тиркама ва эҳтиёт қисмлар харид қилиш, 9,2 млрд. сўми чорва моллари сотиб олиш, яна шунча сўми сув насослари, уруғлик картошка ва бошқа мақсадлар учун сарфланди.

Бундан ташқари, ўтган йили ташкил этилган «Uzbekistan Agrominitech Expo — 2007» кўргазма-савдосида ҳам «Пахтабанк»нинг мижозлари бўлган кўплаб фермерлар фаол иштирок этиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш минитехнологияларини олиб келиш юзасидан шартномалар имзоладилар. Шуни ҳисобга олиб, банк мутахассислари ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг вакилларидан иборат ишчи гуруҳи лойиҳаларини ўрганиб чиққач, молиялаш учун лаёқатли деб топилганлари маблағ билан таъминланди. Аниқроғи, ҳозирги кунгача кўргазма-савдо жараёнида фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш (мева-сабзавотларни қуритиш ва қадоқлаш, сутни қайта ишлаш ва ҳоказо) мақсадида ишлаб чиқилган 99 та лойиҳани молиялаштиришга 672,4 млн. сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Президентимизнинг 2007 йил 12 июлдаги «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросига эса «Пахтабанк» узоқни кўзлаб, ўзига хос тарзда ёндашди. Бунинг самараси ўлароқ, эндиликда банк мева-сабзавот ҳамда чорвачилик маҳсулотларини чуқур қайта ишлаб, тайёр маҳсулотга айлантиришга мўлжалланган муҳим инвестиция лойиҳаларини ҳар томонлама ўрганиб, танлаб олиб, уларни лозим даражада молиялаштирмоқда.

Шу билан бирга, банк томонидан чет эл кредитлари ҳам қишлоқ хўжалигига фаол жалб этилди. Чунончи, 2007 йилнинг инвестиция дастури доирасида Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банкининг «Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш», Осиё Тараққиёт банкининг «Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш» ва «Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш» лойиҳалари иштирокида қишлоқ хўжалик корхоналари, шунингдек, уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотларга кредитлар ажратилди. Республика Молия вазирлиги, ижрочи агентликлар ҳамда «Пахтабанк» ўртасида тузилган 25 млн. 681 минг АҚШ долларилик қайта кредитлаш шартномаларига асосан 5 млн. 525 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ ўзлаштирилди. Кредит олган 193 мижоз эса 327 та қишлоқ хўжалик техникаси ва агрегати, шу жумладан, Германиянинг «Клаас» компанияси ишлаб чиқарган 7 та «Доминатор-130» русумли дон комбайни ва Япониянинг 7 та «ХИТАЧИ» экскаваторини харид қилди.

2008 йилга мўлжалланган инвестиция дастурининг ижросига салмоқли ҳисса қўшиш мақсадида «Пахтабанк» жами 2 млн. 979 минг АҚШ доллари, жумладан, Осиё Тараққиёт банкининг «Дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш» лойиҳаси бўйича 1 млн. 974 минг, «Аму-Занг машина канали тизимини тиклаш» лойиҳаси бўйича 1 млн. 5 минг АҚШ доллари миқдорида маблағни ўзлаштиришни режалаштирмоқда.

«Пахтабанк», шунингдек, Президентимизнинг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш учун махсус дастур ишлаб чиқиб, уни изчил амалга оширмоқда. Хусусан, ҳозиргача банкнинг жойлардаги филиалларида 109 та агрофирманинг ҳисоб рақамлари очилиб, ўзаро шартномалар асосида уларга хизмат кўрсатилмоқда. Агрофирмаларга ўз ишлаб чиқаришини ташкиллаштириш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш учун 2007 йил давомида ажратилган кредит қолдиғи 2 млрд. 412 млн. сўмни, ускуналар сотиб олиш учун берилган кредитлар қолдиғи 241 млн. сўмни ташкил этди.



### Ҳам миллий, ҳам хорижий валютадаги кредитлар

«Пахтабанк» мавжуд маблағларни иқтисодиётнинг реал сектори, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кўпроқ йўналтиришга, шу орқали аҳоли учун зарур бўлган истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи минитехнологияларни сотиб олиш, маҳсулот ва хизматлар турини кўпайтириш, янги иш ўринлари яратишга устуворлик бермоқда. Биргина 2007 йилнинг ўзида уларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 17 млрд. 842,9 млн. сўмлик ўрнига 30 млрд. 232,7 млн. сўмлик кредит ажратилди. Бу борадаги режа 169 фоиз бажарилди. Умуман кичик бизнес субъектларининг 18 мингдан зиёд лойиҳасини молиялаштиришга 41 млрд. 477,8 млн. сўмлик кредит берилди. Уларга барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитларнинг умумий миқдори 2007 йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 47 фоиз ўсди. Кичик бизнес субъектларига берилган микрокредитлар эса 2007 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, 29 млрд. 751,7 млн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 54 фоиз кўпдир.

Банк филиалларининг жойлардаги тадбиркор ва кичик бизнес корхоналарига ажратган кредитлари ҳисобига очилган янги иш ўринлари ҳам кўпайди. Жумладан, ўтган йил давомида 26 минг 133 та, аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан 4666 та кўп янги иш ўрни ташкил этилди. Банк кредитлари ҳисобига ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 20 млрд. 990 млн. сўмга ортди.

«Пахтабанк» Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижросига ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда. Ўтган йили банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 9 млрд. 874 млн. сўм, бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан 3 млрд. 562 млн. сўм, жами 13 млрд. 436 млн. сўм кредит ажратилиб, белгиланган кўрсаткич 46 фоиздан зиёд бажарилгани бунга далил бўла олади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса банк томонидан юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида муайян ишлар амалга оширилди. Тизимда ўз ҳисоб рақамини очган 12761 нафар тадбиркор аёлни қўллаб-қувватлаш бўйича 2007 йилда 9894 млн. сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

«Пахтабанк» кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини халқаро молия институтлари кредит йўналишлари ҳисобидан маблағ билан таъминлаш ҳамда уларнинг импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларини молиялаштириш жараёнини ҳам янада кучайтирмоқда. Мисол учун, Германиянинг «КФВ» банки кредит йўналишининг 4,2 млн. евро миқдоридаги маблағи ҳисобига 6 та лойиҳа, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки кредит йўналишининг 11,8 млн. АҚШ доллари эвазига 17 та ҳамда Осиё Тараққиёт банки кредит йўналишининг 14,9 млн. АҚШ доллари миқдоридаги маблағи бўйича 17 та лойиҳа молиялаштирилди.

Ўтган ҳисобот йилида «Пахтабанк» кичик бизнес корхоналарини модернизациялашга йўналтирилган кредитлар миқдорини ҳам оширди. «Бухоро Гилам» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонасининг йилига 1,2 млн. кв.м. экспортбоп гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи, «Тўхтаниёз ота» фермер хўжалигининг маҳаллий хом ашёдан импорт ўрнини босувчи макарон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳалари мутаносиб равишда 1,2 млн. ва 103,6 минг АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар билан таъминланди.

Германиянинг «Ландес» ва «Хипоферайнс» банклари билан тузилган битимга кўра эса, «Ройсон вайт гудс» қўшма корхонасининг экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босувчи кир ювиш машиналари ҳамда музлатгичлар ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаси учун «Хипоферайнс» банкининг кредит йўналиши ҳисобидан 3 миллион евро миқдорида маблағ ажратилди.

Шу тарзда бултур кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг банк томонидан хорижий кредит йўналишлари ва ўз маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган инвестиция лойиҳалари 51 тага етди. Уларда 10,1 миллиард сўмлик импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқарилди, 1654 та янги иш ўрни яратилди.

### Аҳоли манфаатларини кўзлаб

2007 йилда «Пахтабанк» Ўзбекистон Республикасининг «Ипотека тўғрисида»ги Қонуни, Президентимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган «Уй-жой қурилишига, уни реконструкция қилишга ва сотиб олишга ипотека кредити бериш тўғрисидаги низом»га мувофиқ, аниқ мақсадларга қаратилган малакали банк хизматларини амалга оширди. Унинг жойлардаги филиаллари томонидан режада белгиланган 16,2 миллиард сўмлик ўрнига 20 миллиард сўмликдан зиёд истеъмол кредитлари берилди.

«Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида эса ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадлари учун 2007 йилнинг август-декабрь ойларида 6 миллиард 84 миллион сўм кредит ажратилиб, белгиланган режа 25 фоизга бажарилди. Аҳолининг шинам уй-жойларга бўлган талаб-эҳтиёжларини мумкин қадар тўлароқ таъминлаш учун 102 нафар қарз олувчига 2 миллиард 142,2 миллион сўм кредит берилди. Шу жумладан, республика Адлия вазирлигида рўйхатга олинган ва Марказий банк бошқаруви қарори билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан ёш оилаларга имтиёзли асосда кредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низоми»га асосан, 47 та ёш оила 1 миллиард 85,5 миллион сўмлик кредит билан таъминланди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадларига 2007 йил давомида 4 миллиард 125 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратиш ҳам режалаштирилган эди. Амалда эса, уларга 5 миллиард 562,9 миллион сўм берилиб, бу борадаги режа қарийб 135 фоизга бажарилди.

Тижорат банкининг асосий вазифаси аҳоли барча қатламларига хизмат кўрсатиш экан, аввало, уларнинг мустаҳкам ишончини қозониши ва бу ишончни ҳар томонлама оқламоғи лозим. Бунинг учун у халқ орасига тобора чуқурроқ кириб бориши, бошқача қилиб айтганда, ўз шохобчалари тизимини кенгайтириши ва аҳоли истиқомат қиладиган жойларга яқинлаштириши зарур.

### Омонатлар ва пластик карточкалар — даромад манбаи

«Пахтабанк» ўзининг бутун фаолияти давомида изчил ва жиддий эътибор бериб келаётган устувор хизмат турларидан бири — аҳолининг бўш пул маблағларини банк депозитларига тобора кўпроқ жалб этишдан иборат. Ҳисобот йили давомида шу мақсадда 17 та янги муддатли ва жамғарма омонат тури жорий этилди. «Ифтихор», «Нуроний», «Совға», «Мурувват», «Сармоя», «Капитал», «Даромад» шулар сирасига киради. Улар юзасидан олиб борилган тарғибот ишлари натижасида банк омонатлари қолдиғи, 2007 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, ҳисобот йили бошидаги кўрсаткичга нисбатан 42,8 фоиз ўсди.

Бу йўналишда олиб борилаётган изчил фаолият «Пахтабанк»нинг республика депозит бозоридаги ўз ўрни ва мавқеини янада мустаҳкамлашига, шунингдек, молия бозоридаги мавжуд молиявий воситалар турларини кўпайтиришига.ва банк таклиф этаётган хизматлар доирасини кенгайтиришига замин яратди.




Президентимизнинг шу йил 20 февралда имзоланган «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони фуқароларнинг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилишга қаратилганидан хабардорсиз, албатта. Ушбу Фармон ижроси бўйича банк томонидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Унда белгилаб берилган имтиёзлар ҳақида ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда, семинарлар ва учрашувлар ташкил этилмоқда. Шу билан бирга, аҳолига миллий валютамизда қабул қилинадиган «Эгасининг номи кўрсатилмаган», «Баҳор айёми», «Умид ниҳоллари», хорижий валютада қабул қилинадиган «Тақдим этувчига» каби омонат турларини таклиф этмоқда.

Мижозларга ҳар томонлама қулайлик яратадиган банк хизмат турларидан яна бири турли тўловлар ва бошқа ҳисоб-китобларни нақд пулсиз, яъни пластик карточкалар орқали амалга оширишдир. 2007 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, мижозлар ўртасида 615 минг 273 дона пластик карточка жойлаштирилди, уларга 122,3 миллиард сўм маблағ жалб этилди. 20 та банкомат ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида 2506 та терминал ўрнатилди. Улар орқали амалга оширилган жами маблағ айланмаси 85,1 миллиард сўмга етди. Шундан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар 44,1 миллиард сўмни ташкил қилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, пластик карточкалар орқали нақд пулсиз тўлов тизимини янада кенг ривожлантириш мақсадида банк филиаллари томонидан терминаллар ўрнатилган савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида дисконт ҳамда бонус лойиҳалари ҳам жорий этилди.

Ижтимоий ҳимоя йилида, шунингдек, аҳолининг муайян қатламлари учун имтиёзли пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Ёш оилалар ва талабаларга мўлжалланган алоҳида пластик карточкаларда эса қўшимча имтиёзлар берилган.

2008 йилда пластик карточкалар билан ишловчи «DUET» ва «NCI» дастурларини бир-бирига боғлаш дастурини барча филиалларда татбиқ этиш, «DUET» дастуридаги операцияларни инсон иштирокисиз, автомат тарзда «NCI» дастурига бериш режалаштирилган. Бундан ташқари, терминаллар орқали нақд пулсиз операцияларни 30 фоизга, пластик карточкаларга ўтказиладиган маблағларни 50 фоизга кўпайтириш кўзда тутилмоқда.

### Молия бозорининг фаол иштирокчиси

«Пахтабанк» республика қимматли қоғозлар бозорида ўзига мос ўрни ва нуфузига эга. Ушбу бозор шакллана бошлаган дастлабки даврларданоқ у энг йирик ва иқтисодий салоҳиятли тижорат банкларидан бири сифатида молия бозорининг энг катта бўғинида фаол иштирок этмоқда.

Ички инвестиция ва иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнларидаги кенг иштироки, ўз навбатида, банкнинг капиталлашув даражасини барқарор ошириб бориш ва қимматли қоғозлар бозорини янада такомиллаштириш учун катта имкониятлар яратмоқда. 2007 йил 31 декабрь ҳолатига кўра, банкнинг жами қимматли қоғозлар бўйича инвестиция портфели 7 миллиард 159,7 миллион сўмни ташкил этгани, корпоратив акцияларга йўналтирилган инвестициялар миқдори 5 миллиард 830,6 миллион сўмга етиб, 33 фоизга ўсгани ана шу имкониятлар самарасидир.

Президентимизнинг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгилаб берилган устувор вазифаларни оғишмай бажариш ҳамда банк капитали ва ресурс базасини янада кўпайтириш мақсадида банк акциядорларининг 2007 йил 17 октябрда ўтказилган навбатдан ташқари умумий йиғилишида банкнинг эълон қилинган устав капитали 100 миллиард сўмни ташкил этиши тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу йил давомида акциядорлар сони 8973 нафарга кўпайиб, 87 минг 43 тага етди. Уларнинг 20 минг 628 нафари юридик ва 66 минг 415 нафари жисмоний шахс ҳамда хусусий тадбиркордир.

2007 йилда «Тошкент» республика фонд биржаси савдоларида банкнинг 001-брокерлик идораси фаол иштирок этиб, банк акциялари билан 6 миллиард 840 миллион сўмлик олди-сотди битимларини амалга оширди ва битимлар ҳажмининг аввалги йилдагига нисбатан 6 миллиард 800 миллион сўмга кўпайишини таъминлади.

Қимматли қоғозлар бозорида банк ўзининг шўъба корхонаси бўлмиш «Paxta-Servis» депозитарийси орқали ҳам депозитар ҳамда акциядорлар реестрини юритиш ва қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш бўйича малакали хизмат кўрсатмоқда. «Paxta-Servis» депозитарийсида 59 та эмитентнинг 25,4 миллиард сўмлик қимматли қоғозлари сақланмоқда ҳамда акциядорлик жамиятларининг реестри юритилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизнинг энг йирик тижорат банкларидан бири бўлган «Пахтабанк» жамоаси бундан буён ҳам барқарор ривожланиш йўлидан дадил бориб, молия бозорида ўзининг иқтисодий салоҳиятини тобора мустаҳкамлаш, республика халқ хўжалиги, айниқса, унинг асосий тармоғи — қишлоқ хўжалигида таркибий-ташкилий, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва чуқурлаштиришга салмоқли ҳисса қўшиш мақсадида мавжуд барча куч ва имкониятларни ишга солаверади.

**«Пахтабанк» матбуот хизмати.** t

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ●



# ШИЖОАТ, МАТОНАТ ВА МАҲОРАТ

**«Жар» спорт-соғломлаштириш маркази ёшларда ана шундай фазилатларни шакллантириш масканига айланди.**



(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳозир "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасидаги катта теннис, бадиий гимнастика, кикбоксинг, қўл жанги, самбо, дзюдо, кураш, футбол, каратэ, таэквондо каби жами ўндан ортиқ тўгаракларда минглаб ёшлар ўз маҳоратларини оширмоқдалар.

Мажмуанинг бугунги ҳаётини кузатиш мақсадида бу ерга келганимизда ҳам тўгаракларда қизғин машғулотлар кетаётганлигининг гувоҳи бўлдик.

— Спортнинг нафис турларидан ҳисобланган бадиий гимнастика тўгарагида юз нафардан ортиқ қизлар шуғулланмоқда, — дейди мураббий Азиза Йўлдошева. — Тўгаракларимизга қатновчи қизлар асосан ўз саломатликларини мустаҳкамлаш учун келишади. Шуниси қувончлики, қизларимиз орасидан машҳур спортчилар ҳам етишиб чиқаяпти. Шогирдларимдан Азиза Маҳкамова, Ясмин Рустамовалар республика мусобақаларида қатнаша бошладилар. Ўз фарзандларини тўгаракларга олиб келаётган ота-оналар сафи ҳам йилдан-йилга кўпайиб бормоқда.

Катта мураббий Гулчеҳра Тоймуродованинг таъкидлашича, "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуаси жорий йилда ҳам бир неча халқаро миқёсдаги йирик мусобақаларга мезбонлик қилади. Спорт билан шуғулланишни истаган барча мухлислар учун мажмуа эшиги доимо очиқ.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган суратлар.**

***Спортимиз фахри Юлдуз Ҳамроқуловани Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳиби бўлганлиги билан қутлаш учун борганимизда кун пешинга яқинлашиб қолганди. Жиззах шаҳридаги мўъжазгина хонадонда Юлдузнинг ота-онаси Ойбек ака ва Мавлуда опа, бувиси Сунбулой она билан суҳбатлашдик. 20 ёшида ўн бир карра мамлакат чемпиони, халқаро турнирлар ғолиби ва жаҳон чемпионати совриндори бўлган иқтидорли юртдошимиз тарбия топган муҳит ҳақида газетхонларга қисқача баён қилишни маъқул топдик.***

# ЮЛДУЗЛАРГА ТАЛПИНАЁТГАН ЮЛДУЗ

▼ Истеъдод

...Бундан саккиз йил муқаддам Ҳиндистоннинг Биконер шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида 12 ёшли ўзбекистонлик қизалоққа дастлаб кўпчилик рақиб сифатида унчалик эътибор бермаганди. Миллий тоифадаги ҳакам Ойбек ака Ҳамроқулов ҳам чемпионат қизи учун тажриба мактаби вазифасини ўтайди, деган фикрда эди. Қарангки, Юлдуз ўз иқтидори, дадил юришлари билан қитъамизнинг етакчи шахмат усталарини ҳам мағлуб эта олди ва фахрли учинчи ўринни эгаллади. Бунинг устига, Юлдуз қўлга киритган бронза медаль мустақил Ўзбекистон хотин-қизларининг шахмат бўйича халқаро мусобақалардаги дастлабки юксак натижаси сифатида эътироф этилгани ота қалбини ғурурга тўлдирди. Унга қанот бағишлагандай бўлди.

— Оиламизнинг деярли барча аъзоси шахматчи, десам адашмайман, — дейди Юлдузнинг онаси Мавлуда опа. — Оилавий мусобақаларда қизимнинг ўзига бўлган ишончи ошди, маҳорати тобланди. Айнан шу муҳит расмий турнирларга пухта ҳозирлик кўришга замин яратди. Ака-опаларидан фарқи — кўпроқ ўқиди, изланишдан чарчамади. Биз эса уни қўллаб-қувватлаб, имкон қадар шароит яратиб беришга ҳаракат қилдик.

Мавлуда опа ҳақ гапни айтди. Айнан оиладаги муҳит Юлдузни шахмат тахтасининг 64 катаги бўйлаб чиройли, қатъий ҳаракат қилишига, рақибларига қарши янги йўллар, юришлар йўлаб топишига замин яратди. Кейинчалик "Олимпиада умидлари — 2001" ва "Тошкент ёзи — 2002" фестивалида олтин медаллар соҳиби бўлди. 2003 йилда эса Осиё чемпионатининг кумуш медали совриндорига айланди. 14 ёшида спорт устаси талабини бажариб, республика чемпионати олий лигасида қатнаша бошлади.

Шахматдаги маҳоратининг ошишида Чехияда ўтадиган анъанавий халқаро шахмат фестивалининг алоҳида ўрни бор. 2003 йил ушбу нуфузли турнирда у кучли рақибларини мағлубиятга учрата олгани шахмат олами мутахассисларини ҳайратга солди. 2004 йил Москва вилояти (Россия)даги халқаро турнирда мутлақ ғолиб бўлгандан сўнг Юлдуз Ҳамроқуловага FIDE спорт устаси унвони берилди.

— Кейинги йилларда Франция, Италия, Арманистонда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатларида тажриба орттирган бўлсам-да, танлаган йўлимда юксак натижаларга эришиш учун ҳали кўп меҳнат қилишим зарурлигини сездим, — дейди ҳозир Жиззах политехника институтида таҳсил олаётган Юлдуз. — Мураббийларим билан ўз устимда ишлашни тўхтатганим йўқ. Яхши тайёргарлик кўрганим Туркияда бўлган жаҳон чемпионатида ҳам қўл келди. Юртимизга бронза медаль билан қайтдим. Олдимга жаҳон чемпионати шоҳсупасидан жой олишни бош мақсад қилиб қўйганман.



**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ТАЭКВОНДОЧИЛАРИМИЗ ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

***Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида таэквондонинг ITF йўналиши бўйича Осиё чемпионати ва биринчилиги мусобақалари якунланди.***

Унда Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон каби жами йигирмага яқин мамлакатдан келган 500 нафарга яқин таэквондочилар медаллар учун кураш олиб боришди.

Катталар ўртасидаги баҳсларда ҳамюртларимиздан Лаура Ҳушимбетова ва Маҳмуд Акромов олтин медалларни қўлга киритиб, Осиё чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Ёшлар ўртасидаги беллашувларда эса Галина Хегай биринчи ўринни эгаллади.

Юртдошларимиз мусобақа якунларига кўра, 6 та кумуш ва 17 та бронза медаль билан умумжамоа ҳисобида учинчи ўриндан жой олдилар.

Ҳозир таэквондонинг ITF бўйича Ўзбекистон терма жамоаси жорий йилнинг 12-19 апрель кунлари Таиланд пойтахти Бангкокда бўладиган Бутунжаҳон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати ўйинлари фестивалига тайёргарлик кўрмоқда.

# ҚУРАШ БУТУНЖАҲОН ЎЙИНЛАРИ ДАСТУРИДА



***12-19 апрель кунлари Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрида Бутунжаҳон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъати ўйинлари фестивали бўлиб ўтади.***

КХА матбуот хизматининг хабарида айтилишича, ушбу нуфузли ўйинлар дастуридан миллий спортимиз — кураш ҳам жой олди. Фестиваль ташкилий қўмитаси вакилининг таъкидлашича, дастурга курашимизнинг киритилиши мусобақалар нуфузи ошишига хизмат қилади. Тарихдан маълумки, кураш усуллари мукаммаллиги, ҳалоллиги билан доимо халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Ўзбекистондан борган полвонлар дунё мухлисларига кураш усулларини яна бир бор намойиш этадилар.

**Ж. ЗИЁДУЛЛАЕВ.**

МАДАНИЯТ *хабарлари*

***Фарғона вилоятидаги қатор ташкилот ва муассасалар шу йил 19 апрелда «Маънавият шанбалиги»ни ўтказиш ташаббуси билан чиқдилар.***

# Маънавият куни

Бунда асосий эътибор шаҳар ва туманларда кўргазмали тарғибот воситаларини талаб даражасида жиҳозлаш, кўча, маҳалла, қишлоқ, хиёбон, тарихий обида, зиёратгоҳларнинг номланишини тартибга келтириш, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, дунёда рўй бераётган мафкуравий жараёнлар мазмун-моҳиятини аҳоли кенг қатламларига етказишга қаратилади.

Шунингдек, тадбир доирасида вилоятдаги барча шаҳар ва туманларда «Миллий ғоя ва мафкуранинг долзарб вазифалари» мавзуида ўқишлар ташкил этилади, кексалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган кишилар, кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинади.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# «Халқ дастаси» номи берилди

***«Жан-жанай» фольклор-этнографик дастасининг номи Сирдарё вилоятидагина эмас, республикамизда ҳам яхши таниш.***

1994 йилда Сардоба туманида ташкил топган мазкур дастага Марям Жоош қизи Мусурмонова асос солган эди. Унинг репертуаридан қирғиз, ўзбек ва бошқа халқлар қадимий қўшиғу рақслари жой олган. Даста «Барҳаёт наволар», «Ўзбекистон — умумий уйимиз» республика кўрик-танлови ва фестивалларининг доимий иштирокчиси.

Яқинда «Жан-жанай»-га «Халқ дастаси» номи берилди. Ушбу хушхабардан руҳланган жамоа янги ўлан ва лапарлар тайёрламоқда.

**Ортиқ СУЛТОНОВ.**






*Жиззах шаҳридаги «Истиқлол» болалар боғида Миллий ўйинлар фестивали ўтказилди. Фестивалда 60 тага яқин маҳалладан 300 нафардан ортиқ вакиллар қатнашди.*

# МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР ФЕСТИВАЛИ

Кўргазмали чиқишлар ва миллий ўйинларнинг 10 та тури бўйича беллашувларда «Хайробод», «Иттифоқ», Алишер Навоий номли маҳаллалар фестивалга пухта ҳозирлик кўрганликларини намойиш этишди. Умумжамоа ҳисобида Жиззах шаҳри, Зомин ва Бахмал туманлари спортчи ёшлари яхши натижаларга эришдилар. Томошабинлар азалий қадриятларимиз акс этган халқ ўйинларини қизиқиш билан кузатдилар.

Фаол иштирокчилар ҳомийлар томонидан эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**С. БАХРИДДИНОВ.**












Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Қ. Ҳидиров.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 23.35 1 2 3 4 5 6 8